Registered in Germany **Europa Revue Journal**
ISSN: 1862-6564 **Vol. 6 No. 6 (2026) Published June 16, 2026**

DEVELOPMENT OF THE MUHAMMAS GENRE IN THE KHIVA LITERARY ENVIRONMENT

Fayzullaeva Rayhon Abdullaevna

Associate Professor of Information Technologies and Management University

Abstract

This article discusses the poets who made a worthy contribution to the development of the muhammas genre in the literary environment of the era of Muhammad Rahimkhan Feruz and their creative works.

Keywords

Divan, lyric genres, traditionalism, ghazal, muhammas, muhammas genre, tatabbu'navislik.

Аннотация. Ушбу мақолада Муҳаммад Раҳимхон Феруз даври адабий муҳитида мухаммас жанри тараққиётига муносиб ҳисса қўшган шоирлар ва уларнинг ижод намуналари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар. Девон, лирик жанрлар, анъанавийлик, ғазал, мухаммас, табъи мухаммас, татаббуънавислик.

Мумтоз шеъриятда мусаммат туркумига кирувчи лирик жанрлар орасида мухаммаслар нисбатан кўпроқ яратилган. Буни мухаммаслардан тузилган баёзлар ҳам тасдиқлайди.

Маълумки, мухаммаснинг айрим намуналари XII аср охирида форс адабиётида пайдо бўлган, сўнгра туркий адабиётда жанр сифатида шуҳрат қозонган. XIV асрга келиб мухаммас форс ва туркий адабиётда энг кенг тарқалган оммавий жанрга айланган[1]. Ижодкорнинг давр адабий муҳитидаги ўрнини белгилашда шоирларнинг бир-бирларига мухаммас боғлашлари муҳим аҳамият касб этади, чунки мухаммас боғлаш билан бир шоир иккинчи бир ижодкорнинг маҳоратини тан олади ва ўз кучини у билан қиёсан синаб кўради.

[1] Қаранг: Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Тошкент:Фан, 1976. – Б. 69; Халлиева Г. Огаҳий мусамматлари.Филол. фан. номз...дисс. – Тошкент: 2000. – Б. 10.

Салафлари назмига боғлаган тахмислари ёрдамида эса унинг издошлик анъаналарини ўрганиш имконияти пайдо бўлади.

Адабиёт яралганидан буён унда “ устоз-шогирд” анъанаси давом этиб келмоқда. Шундай адиблар борки, улар ўзларига “увайс” устозлар танлашган ва бу танлов ўзини тўла маънода оқлаган [2] . Хоразм адабий муҳити ижодкорларининг асарларида ўзларига Навоийни “увайс” устоз сифатида билишгани яққол сезилиб туради.

Таъкидлаш жоизки, салафлар изидан эргашиб, уларнинг ғазалларига мухаммаслар боғлаш, назиралар айтиш, айниқса, ғазалчиликда муваффақият қозониш омили бўлиб хизмат қилади. Навоийдек буюк шоир ғазалларига татаббуъ ва тахмислар боғлаш табиий равишда кучли маҳорат билан ёшдашувни талаб этади. Мунис ҳам ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда Навоийнинг маҳорати даражасида қалам тебратади. Унинг изидан бориб, янгилик яратишга, фикрларини янада чуқурроқ изҳор этишга муваффақ бўлган. Ўз ўрнида бу Мунис учун катта маҳорат мактабини ўтайди. Унинг фалсафий дунёқараши, бадиий-эстетик тафаккури ривожланишида муҳим роль ўйнади.

Мунисдан кейин, Огаҳий ижодини Навоий даҳосининг таъсирисиз тасаввур қилиш мушкул. Бу борада огаҳийшунос Э.Очилов қуйидаги маълумотларни келтириб ўтади: “Огаҳий ижодига Алишер Навоийнинг таъсири катта. У ўзининг бу буюк салафидан бир умр ўрганди, ундан таъсирланди, унга эргашди, ғазалларига татаббуълар ёзди, мухаммаслар боғлади. Жумладан, шоирнинг 90 мухаммасидан 30дан ортиғи Навоий, қолганлари эса Жомий, Саъдий, Фузулий, Комрон, Амирий, Бедил, Равнақ, Мунис, Ғозий, Рожий, Феруз ва бошқаларнинг ғазалларига боғланган[3].

“Таъвиз ул-ошиқин”да жамланган 84та мухаммаснинг 31таси Навоий ғазалларига боғланган мухаммаслардир [4] . Ушбу девонда Огаҳий Алишер Навоийнинг “Оё”, “Арзимас”, “Андин”, “Айлаб”, “Ўт”, “Ўйна”, “Нетай”, “Била”,

[2] Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари: Муаллиф. Жанр. Хронотоп. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 234.
[3] Огаҳий. Жамолинг жилваси.– Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б. 59.
[4] Ғанихўжаев Ф. Огаҳийнинг “Таъвиз ул-ошиқин” ва унинг илмий-танқидий матни. Филол. фан доктори... дисс. – Тошкент: 1998. – Б. 19.

“Тут”, “Ёр ўлмағай”, “Қилдило”, “Кокилинг” каби радифларда айтган ғазалларига боғлаган мухаммаслари, кўпгина назиралари бор. Чунончи, Навоийнинг Наманган шеваси билан “Қилдило” радифида ёзган ғазалига мухаммас боғлаш билан бирга, шу радифга ўхшаш “Эттило”, “Айладило”, “Бўлдило” радифли ғазаллар ҳам битгани ҳақида манбаларда айтилади[5].

Ижодий фаолияти давомида гўзал ва бетакрор мухаммаслар яратган шоирлардан яна бири Рожий Хоразмийдир. Рожий девонида ғазаллардан кейин мазкур жанр туради, яъни у 885 мисрани ташкил этади[6]. Рожийнинг Навоий, Ҳусайний, Фузулий, Огаҳий, Комил каби устоз ва замондошлари қатори, Қўқон адабий муҳитидан Амирий, Ҳозиқ ва Шариф ғазалларига боғланган тахмислари ҳам борки, бу унинг хоразмлик шоирлар билан чегараланиб қолмасдан, Қўқон адабий муҳити вакиллари ижодидан бохабарлигию баҳрамандлигини англатади.

Рожий Хоразмийнинг 34 та мухаммасидан учтаси “табъи худ”, биттаси ўз ғазалига ва ўттизтаси Навоий, Фузулий, Ҳусайний ва замондошларидан Огаҳий, Комил, Зийрак, Амирий, Ҳозиқ, Шариф каби шоирлар ғазалларига боғланган. Рожий хоҳ мухаммас, хоҳ назира битмасин, улуғ устозлар кўтарган мавзу ва ғояларга содиқ қолади. Уларни такрорламайди, балки ғазалда таъкидланаётган фикрни янада кенгроқ ёритишга, уни мукаммаллаштиришга ҳаракат қилади. Масалан:

Маъни эт ҳосил агар ҳар сурат ила верди даст,
Қил хаёли нашъайи кайфияти жоми аласт,
Сурат аро бўлма қул нашъаи майдин ўзни маст,
Гар ўзин доно тутар тақлид ила суратпараст,
Олами таҳқиқида биз они нодон билмишуз[7].

Фузулий ғазалига боғланган бу мухаммасда суратга қул бўлгандан кўра, ўзни ташналик майи билан маст қилган афзал, дейди Рожий. Фузулийнинг

[5] Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Тошкент: 1967. – Б. 354.
[6] Бердимуратова.М. Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий адабий мероси. Филол. фан. номз...дисс. Тошкент: 2010. – Б. 98.
[7] Бердимуратова.М. Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий адабий мероси.Филол. фан.номз...дисс. Тошкент:2010. – Б. 60.

бировларга тақлид қиладиган суратпарастларни ҳақиқат йўлидаги нодонлар деган ғоясига ҳамоҳанг ғояларни илгари суради.

Комил Хоразмий ҳам мухаммас жанрида баракали ижод қилди. Қўлёзма манбаларда шоирнинг 33 та мухаммаси маълум бўлиб, уларнинг ўнга яқини Огаҳий ғазалларига тахмис экани Комилнинг устози ижодига катта ҳурматидан далолат беради:

Сўз дурри ноёб эрур, они қилур изҳор тил,
Ҳуснидин фоида гар бўлмаса дурбор тил,
Ўзга сўзлар дегач, ўлди мужиби озор тил,
Базм аро мундоқ такаллумға чу очти ёр тил,
Ҳуққаи ёқутдин сочди дуряи шаҳвор тил[8].

Хоразм адабий муҳитида алоҳида ўрин эгаллаган, юқори истеъдоди ва салоҳияти билан катта шуҳрат қозонган ижодкорлар сафида Аҳмаджон Табибий ҳам бор. Табибий лирикаси устида тадқиқот олиб борган Ф.Ғанихўжаев рисоласида “...шоир ўз салафлари ижодида юзага чиққан ва адабий ҳаётда расм бўлиб қолган ҳамма жанрлардан унумли фойдаланиб, уни ривожлантирган”, деб ёзади[9].

Адабиётшунос Шермуҳаммад Амонов берган маълумотларга кўра, Табибийнинг лирик асарлари таркибида унинг 60дан ортиқ шоирлар шеърига ўхшатма ва мухаммаслар бор[10].

Аҳмад Табибий Навоий, Мунис, Огаҳийдек мутафаккир шоирлар ижоди билан яқиндан танишиб, уларни ўзининг маънавий устози деб билган ва уларга эргашиб ижод қилган. Бу ҳол шоир девонларининг тузилишида, ўхшаш жанрдаги асарларнинг ижод этилишида янада ёрқинроқ кўринади.

Табибий салафларининг энг аввалида ҳам Навоий туради. Рус шарқшунос олими А.Н.Самайлович Табибий билан боғлиқ хотираларида давр ижодкорлари

[8] Комил Хоразмий. Танланган шеърлар. – Тошкент: Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1961. – Б. 26.
[9] Ғанихўжаев Ф. Аҳмаджон Табибийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фан. номз...дисс. – Тошкент: ТАИ, 1969. –Б. 193.
[10] Амонов Ш. Аҳмад Табибийнинг Навоий ғазалларига ёзган мухаммаслари. Alisher Navoiy va XXI asr. Xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari. – Тошкент: Mashhur-press, 2020. – Б. 382.

ҳақидаги шоирнинг: “Буларнинг ҳаммаси учун Мир Алишер Навоий ўрнакдир”, деган фикрини эслаб ўтган эди[11]. Бу, ўз ўрнида, Табибийга ҳам тегишлидир.

Шоирнинг Навоий ижодига бениҳоя ихлос билан қарагани унинг лирикасида аниқ кўринади. Табибий буюк шоирга эҳтиромини унинг 20 га яқин ғазалларига мухаммаслар боғлаб изҳор қилади:

Чархдин бир дам Табибий ғофил ўлма нечаким,
Ғунча янглиғ кўргузуб ушшоқға васличаким,
Гаҳ гулдек барқ офат бирла сўлғучаким,
Даҳр шўхиға, Навоий, сайд бўлма нечаким,
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа[12].

Хоразм адабий муҳитини юксалиш сари етаклаган, ҳам ҳомий, ҳам ижодкор сифатида бевосита жараён иштирокчиси бўлган Муҳаммад Раҳимхон Феруз турли жанрларда ижод қилиш орқали буюк салафларга муносиб издош, издошларга эса муносиб устоз сифатида эътироф қозонган буюк шахсдир. Феруз устози Огаҳийдан таълим олиш баробарида унинг ижодига бемисл даражада меҳр қўяди. У ҳам устози изидан бориб, мумтоз адабиётнинг турли жанрларида ижод қилди ва соҳа ривожи йўлида буюк хизматлар қилди. Хусусан, Ферузнинг 101 ғазалига Хоразм адабий муҳитининг 32 нафар вакили 101 маротабадан назира-жавоблар битишгани адабиёт тарихида татаббуънавислик анъаналарини энг юксак чўққига олиб чиқди.

Бундан ташқари, Феруз мухаммас жанрининг кенг қулоч ёйишига ҳам катта ҳисса қўшди. Унинг девонидан ўрин олган мухаммаслар мазкур жанрни ривожлантириш, уни замона ижодкорлари ўртасида кенг тарғиб қилиш борасидаги ишлардан ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Феруз шеърияти Огаҳий ижодидан илҳомланиш натижасида ривожланди. Ферузнинг Огаҳий ғазалларига боғлаган тахмислари унинг улуғ шоир ижодига эътибори юксак эканидан далолатдир:

Истаб висолинг базмини, эй хўбларнинг аҳсани,

[11] Қосимов Б. Излай-излай топганим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 42.
[12] Амонов Ш. Аҳмад Табибийнинг Навоий ғазалларига ёзган мухаммаслари. Alisher Navoiy va XXI asr. Xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari. – Тошкент: Mashhur-press, 2020. – Б. 384.

Иқболи Ферузинг киби кўб жустужў айлаб сани,

Кўргач юзунг ишқ ўтига қўпди вужуди хирмани,

Ширин лабингдин Огаҳий жисмиға жон берким, ани,

Ўлтурди бир имо қилиб боқғоч қиё қошу кўзунг[13].

Мухаммас жанрининг юксалишига муносиб ҳисса қўшган, бу борада кейинги давр ижодкорлари учун намуна бўла оладиган асарлар яратиш борасида Муҳаммад Расул Мирзо ҳам буюк салафлари қаторидан жой олди.

Мирзо девонидаги мухаммаслар жами 26 та бўлиб, уларни уч қисмга ажратиб ўрганиш мумкин:

1. Навоий ғазалларига битилган мухаммаслар;
2. Замондошлари ғазалларига боғланган мухаммаслар;
3. Табъи худ мухаммаслар.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, тахмис боғлашга жазм қилган ижодкор, биринчи навбатда, ғазалнинг моҳиятини англай олиши, руҳан ва бадиий маҳорат жиҳатидан бундай масъулиятга тайёр бўлиши лозим. Мирзо мухаммаслари айни шу талаблар доирасида яратилгани билан таҳсинга сазовордир. Шоир Навоий ғазаллари мақсадини тўғри англаган. У улуғ шоир бошлаб берган моҳиятини моҳирона давом эттиради. Айни шу жиҳат Мирзо мухаммасларини бадиий жиҳатдан юксак бўлишини таъминлаб берган. Қуйидаги мисол юқоридаги фикримизни тўлиқ асослайди:

Мани ошиқларининг зумрасидан интихоб айлаб,

Висолиға етурмакликни билкулл иртикоб айлаб,

Фироқи ўтиға ағёр аҳлини жисмин кабоб айлаб,

Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,

Хироми суръатидин гул юза хўйидин гулоб айлаб. [37ª]

Мирзо девонида замондош шоирлар ғазалларига боғланган мухаммаслар катта қисмни ташкил этади. У Огаҳий, Комил, Феруз, Фаррух каби истеъдодли шоирлар ғазалларининг вазни, қофияси, радифи, энг муҳими, ғоя ва мавзусини

[13] Муҳаммад Раҳимхон Феруз. Элга шоҳу ишққа қул. Девон. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 36

сақлаган ҳолда мухаммаслар яратади. Қолган мухаммасларнинг барчаси табъи худ мухаммаслардир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Феруз ҳукмронлиги йилларида Хива адабий муҳитида яшаб, ижод этган 50 дан ортиқ шоирларнинг етишиб чиқиши тасодиф бўлмай, уларнинг бадиий ижоддаги муваффақиятлари айнан Навоий, Фузулий ва Огаҳийдек ижодкорлар билан боғлиқдир. Шубҳасиз, мазкур даврда етишган шоирлар ўз шеърларини улуғ сўз санъаткори Алишер Навоий, сўнг Шермуҳаммад Мунис ва Огаҳийларга ўхшатмалар билан бошладилар. Умуман, Навоийдан сўнг у ва кейинги даврларда етишиб чиққан бошқа буюк сўз санъаткорларига эргашиш, шеърларидан илҳом олиб ижод қилиш, мумтоз адабий анъаналарни давом эттириш одат тусига айланди. Феруз даври адабий муҳити ана шундай анъаналарни сақлаши ва муносиб тарзда ривожлантириши билан адабиёт тарихида салмоқли ўринни эгаллайди.

Адабиётлар:

1.Огаҳий. Жамолинг жилваси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. -59 б.

2.Комил Хоразмий. Танланган шеърлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1961. -58 б.

3.Феруз, Муҳаммад Раҳимхон. Элга шоҳу ишққа қул. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. -160 б.